



№15 (868)  
2025 йил 28 февраль,  
жума

# ЎЗБЕКИСТОН БУНҲОДКОРИ

ijtimoiy-iqtisodiy  
gazeta

## СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА



uzbunyodkor t.me/uzbunyodkor uzbunyodkor info@uzbunyodkor.uz uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

Муносабат

## БУНҲОДКОРЛИК ИШЛАРИ янада қулоқ ёзади

Нигора НОЗИМЖОНОВА, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Бугун мамлакатимиз бунёдкорлик майдонида айланган. Осмонўпар қранларни пойтахтдан тортиб, чекка ҳудудларда ҳам учратасиз. Қувонарлиси, қад ростлаётган биноларнинг аксариятини кўп қаватли уйлар ташкил этади. Давлат раҳбарининг талаби шундай. Ердан унумли фойдаланишнинг талаби шундай.**

Хар бир мамлакатдаги фаровонлик, аҳолининг ҳаётининг мамнун ҳолда яшаш энг аввало, уларнинг ўз уй-жойига эгаллиги билан баҳоланади. Бу борада юртимизда кейинги йилларда улкан ислохотлар амалга оширилмоқда. Уй-жойга эҳтиёжманд аҳолининг талаб-истаклари асосида минглаб замонавий ва шинам уй-жойлар барпо этилмоқда.

маблаг йўналтирилиши кўзда тутилмоқда. Шу жумладан, аҳолига ажратилган субсидияларга республика бюджетидан 2,5 трлн сўмга яқин маблағлар ажратиш кўзда тутилган. Бу ўтган йилга нисбатан 1,5 баробарга кўпдир. Жорий йилда ипотека кредитлари бўйича субсидияларга фуқаролардан ариза қабул қилиш 3 март куни соат 9.00 дан бошланади. Бунда



Инсон аввало ўз уйига эга бўлиши, аҳоли турмуш даражасини ошириши учун шарт-шароит яратилиши керак. Бойси, уйдан кўнгли тўқ инсоннинг ишида унум ва барака бўлади. Шу мақсадда сўнгги 5 йилда умумий майдони 21,7 млн квадрат метр бўлган кўп квартиралар уй-жойлар барпо этилиб, аҳолининг уй-жой сотиб олишига қўмақлашиш учун 67 трлн сўмлик ипотека кредитлари ажратилди ҳамда ушбу мақсулотларга давлат бюджетидан 44 трлн сўм йўналтирилди. Даромади юқори бўлмаган 64 мингдан ортиқ фуқароларга 3,5 трлн сўмдан ортиқ субсидия маблағлари тўлаб берилди. Шу билан бирга сўнгги йилларда аҳоли сони йилга қарийб 800 минг нафарга, янги оилалар сони эса 300 мингга ортаётгани ҳам уй-жойга бўлган талабни қондириш бўйича ишларни жадаллаштиришни тақозо этмоқда.

фуқаролар исталган туман, шаҳардаги Давлат хизматлари маркази орқали ёки ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ўзлари мустақил равишда ариза топширишлари мумкин бўлади. Бунда фуқаролар ўзлари ёки яқин қариндошлари тўғрисидаги хар бир маълумотни тўғри қиритишлари талаб этилади. Нотўғри қиритилган тақдирда аризалар рад бўлишга сабаб бўлади.

Ўзгарувчан бозор шароитида уй-жой қуриш пухта ҳисоб-китоб билан бирга қутилмаган нарх ўсиш ҳолатлари тийёр туришни талаб қилади. Бу эса катта маблаг йўқотилишига, фойдаланиш муддатларининг кечикишига аҳоли эътирозларига сабаб бўлади. Бунга биз кўплаб мисолларда кўряемиз. Фармон билан шунга ўхшаш ҳолатларда аҳолини ҳам қурилиш ташкилотларини ҳам қўллаб-қувватлаш учун уй-жой ва ипотека бозорини молиявий ресурслар билан таъминлашга 20,9 триллион сўм миқдоридagi ипотека кредитлари ажратилади. Шунингдек, “Янги Ўзбекистон” ва бошқа массивларда кўп квартиралар уй-жойларни барпо қилишда иштирок этадиган қурилиш ташкилотларини айланма маблағлари билан таъминлаш учун давлат бюджетидан 700 млрд сўм тижорат банкларининг ўз маблағлари ҳисобидан 3 триллион сўм миқдоридagi маблағлар йўналтирилади. Ушбу қурилиш ташкилотларига айланма маблағларини тўлдириш учун 12 ойлик имтиёзли давр билан 24 ой муддатга Марказий банкнинг асосий ставкасидан кўпи билан 2 фоиз бандга юқори ставкада кредитлар ажратилади.

► 2-бет

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## МУБОРАК РАМАЗОН ОЙИНИ МУНОСИБ ТАРЗДА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Кейинги йилларда мамлакатимизда виждон эркинлигини таъминлаш, муқаддас ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини ўзида мужассам этадиган қадрият ва анъаналарни беэавол сақлаш ҳамда келгуси авлодларга етказиш, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, миллатлар ва динлараро тотувлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, кўмакка муҳтож, ногиронлиги бўлган ва эҳтиёжманд инсонларни хар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида улкан ишлар олиб борилмоқда. Бу каби эзгу амаллар муборак Рамазон ойида айниқса эркин намоён бўлмоқда.

Халқимиз учун азалдан меҳр-оқибат, шукроналик ва бағрикенглик тимсоли бўлиб келган муборак Рамазон ойини муносиб кутиб олиш ва юқори савияда ўтказиш мақсадида:  
1. 2025 йилда муборак Рамазон ойининг бошланиши 1 март кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.  
2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари Дин ишлари бўйича қўмита, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ҳудудларда Рамазон ойини миллий анъана ва қадриятларга мос тарзда ўтказишга доир чора-тадбирларни амалга оширсин.

Ушбу фазилатли ойда “Рамазон – саховат, бирдамлик ва бағрикенглик ойи” ғояси асосида: эҳтиёжмандлар ҳамда илм-маърифат йўлида изланаётган ёшларга ёрдам бериш бўйича ташаббусларни қўллаб-қувватлашга;

оилавий ришталарни мустаҳкамлаш, маҳаллаларда ўзаро тушуниш ва ишонч муҳитини кучайтириш ҳамда ҳурмат ва меҳр-оқибат қадриятларини тараннум этишга; атроф-муҳитни асраш, муқаддас қадамжо, зиёратгоҳ ва қабристонларни ободонлаштириш, кўчатлар экишга ҳамда Рамазон ойи билан боғлиқ тадбирларда меъёрга амал қилиш ва исрофгарчиликка йўл қўймай алоҳида эътибор берилсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ойини ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р. Қ. Давлетов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти  
Тошкент шаҳри,  
2025 йил 27 февраль

Ш. МИРЗИЁЕВ

“**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳаси мамлакатнинг иқтисодий ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, халқаро ҳамкорлик, соҳага замонавий технологияларни жалб қилиш, самарали бошқарув механизмларини татбиқ этиш масалалари ҳам долзарб ҳисобланади.**

Шухрат ЗАКИРОВ,  
Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг Халқаро ҳамкорлик, Жаҳон савдо ташкилоти билан ишлаш, ДХШ ва инвестиция дастурларини шакллантириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

Осмонўпар бинолар сони яна биттага кўпаяди



Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигида

## Хитой тажрибасини ўрганиш давом этмоқда

Хизмат сафари билан Хитой Халқ Республикасида бўлиб турган мамлакатимиз делегацияси Хитой уй-жой, шаҳар ва қишлоқ қурилиш вазирлиги ва бошқа мутасадди ташкилотлар вакиллари билан реновация лойиҳаларини кўздан кечиришди.



Вазир ўринбосари Озода Жўраева бошчилигидаги масъул вакиллар, бошқарув органлари раҳбарлари мавжуд ер майдонларидан унумли фойдаланиш, кўп қаватли уйларни реновация қилишда энерготехнамкорлик, қулайлик ва ихчамликни таъминлаш, демографик ўсиш суръатларидан келиб чиққан ҳолда аҳолини турар жой билан таъминлашнинг янги механизмлари юзасидан муҳим маълумотларга эга бўлдилар. Шунингдек, Пекин шаҳри ҳокими билан учрашув ўтказилиб, унда замонавий турар жой биноларини қуриш консепцияси, янги қурилган уйларни эксплуатация қилиш ва хизмат кўрсатиш масалалари муҳокама қилинди.

Бундан ташқари, делегация аъзолари Хитой уй-жой коммунал бошқарув компаниялари уюшмаси раиси Чжан Сяужун ҳамда Пекиндаги

етақчи бошқарув компаниялари раҳбарлари билан учрашдилар. Тадбирда аҳолига хизмат кўрсатиш жараёнлари ва бунда бошқарув органларининг ўрни хусусида фикр алмашилди. Ўзаро танишув ва келгусида амалга ошириш мумкин бўлган ҳамкорлик лойиҳаларига бағишланган учрашувда яна бир қатор мавзулар муҳокама қилинди.

Шундан сўнг, Пекин шаҳридаги компаниялар бошқарувидаги уйлар ўрганилиди. Бошқарув компаниялари томонидан аҳоли қулайлигини ошириш борасида ўйланган хар бир жиҳат алоҳида эътироф этилди. Хусусан, тўсиқсиз ҳаракатни таъминлаш, қариялар ва ногиронларга шароит яратиш мақсадида мавжуд кўп қаватли уйларга ташқи лифт қурилмалари ўрнатилганлиги мамлакатимиз аъзолари эътиборини тортди.

## СБЕР университетига маҳорат дарслари ташкил этилди



Жорий йилнинг 25 февралдан бошлаб Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги масъуллари иштирокида Москва шаҳридаги СБЕР университетига маҳорат дарслари бўлиб ўтмоқда.

Унда “Сбербанк” тизимида объектларни лойиҳавий молиялаштириш, улушли шартномаларни тузиш ҳамда “эскроу” ҳисобварағини юритиш билан боғлиқ амалиёт ва қонунчилик асослари ўрганилди. Хусусан, мутахассислар

томонидан қурилишни молиялаштиришнинг самарали схемалари, жараёнларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишларини ташкил қилиш тартиблари ва электрон платформанинг ўрни ҳақида сўз юритилмоқда.

## Ишчи гуруҳининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди

Сув хўжалиги вазирлигида мамлакат платформасининг “Сув ресурслари, сув таъминоти ва санитария” бўйича Ишчи гуруҳининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда мазкур платформанинг ўрни тобора ортиб бормоқда. Хусусан, сув соҳасидаги барча манфаатдор томонларнинг иш фаолиятини бир йўналишда мувофиқлаштириш, муаммо ва режалар очкилигини таъминлаган ҳолда ҳамкорликда иш юритиш учун мазкур гуруҳ уникал платформа бўлиб хизмат қилмоқда.

Йиғилишда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги мутасаддилари Воситжон Имомов ҳамда Ғайрат Раҳимов иштирок этиб, сув таъминоти ва оқова сувларни чиқариб бориш соҳасидаги ислохот ва муҳим вазифарлар ҳақида маълумот бердилар.

Таъкидланганидек, биргина ўтган йили республика бюджетидан 1,9 триллион сўм ажратилиб, 2 003 километр узунликдаги ичимлик ва оқова сув тармоқлари тортрилди



ҳамда 225 та иншоот қурилди. Шунингдек, халқаро молия институтларининг 179 миллион АҚШ доллари маблағлари ҳисобидан жами 926 километр узунликдаги ичимлик ва 146 километр узунликдаги оқова сув тармоқлари тортрилди. Натижада 1,3 миллион нафар аҳоли илк бор ичимлик суви билан таъминланиб, 3 миллион нафар аҳолининг ичимлик сув таъминоти яхшиланди.



# Бунёдкорлик ишлари янада қулоч ёзади

◀ 1-бет

Фармон билан 2025 йил 1 майдан бошлаб "Янги Ўзбекистон" ва бошқа массивларда кўп қаватли уй-жойлар қуришнинг мақсадли кўрсаткичлари тасдиқланди. Массивларни барпо этиш доирасида ер участкаларини кўп қаватли уй-жойлар қуриш учун ижарага бериш бўйича аукцион савдоларида қатнашиш, кўп қаватли уй-жойларни қуриш ва уларни реализация қилишга фақат қўшилган қиймат солигини тўловчи юридик шахсларга рухсат этилади. Ер участкаларини кўп қаватли уй-жойлар қуриш учун ижарага бериш бўйича аукцион савдолари офертасида лойиҳа олди ҳужжатлари тайёрлашга 15 кунлик, лойиҳа ишларини бажаришга 2 ойлик, қурилиш ишларини бошлашга эса 3 ойлик муддат белгиланади, шунингдек, унда қурилишни якунлаш ва объектни фойдаланишга қабул қилиш муддатлари кўрсатиб ўтилади.

Тан олиш керак, реновация шаҳарликларнинг кенг муҳомақа қилинадиган мавзуларидан бири. Республикадаги кўп қаватли уй-жой фонднинг қарийб 40 фоизини 2-3 қаватли уйлар ташкил этади. Уларнинг аксариятига оқова сув қувурлари тортилмаган. Айримларининг фойдаланиш муддатлари тугаб бормоқда. Фармонда мазкур масалани ечиш ва уни амалга ошириш шартлари ҳам белгиланди. Яъни, 2025 йил 1 мартдан реновация асосида кўп қаватли уй-жойларни барпо этишнинг янги тартиби жорий этилади. Яъни, реновация лойиҳасини бошлашга барча мулкдорлар билан нотариал тасдиқланган келишув битими имзолангандан сўнгра рухсат берилади.

– Фармонга кўра, 20 минг хонадонли реновация уйлари мавжуд, – деди Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги бошқарма бош-

лигининг ўринбосари Элёр Комилов. – Давлат раҳбари пойтахтнинг Шайхонтоҳур тумани ва Фарғона вилоятига қилган таширфлари чоғида маънан эскирган ёки муҳандислик-коммуникация тизимлари муддатини ўтаб бўлган хонадонларни бузиб, аҳоли учун қулай бўлган янги хонадонлар қуриб фойдаланишга топширишни таъкидлаганди. Бунда аҳолини рози қилган ҳолда нотариал тартибда тасдиқлангандан сўнгра, фуқаролар кўчирилади ёки шу ҳудуддан уй берилади. Агар бошқа ҳудуддан уй ололмайдиган бўлса, уй битгунга қадар фуқаро вақтинча яшаб туриши учун ижара пули тадбиркор томонидан тўлаб борилади. Агар уй эгаси маълум бир маблағни олмақчи бўлса, унинг мулки бозор қийматида асосан тўлаб берилади.

Бутун ҳудудларда қурилаётган "Янги Ўзбекистон" массивларига юрдошларимизнинг қизиқиши банд. Кўпчилик бундай жойларда яшашни орау қилмоқда. Мактаб, боғча, поликлиника, дўконлар шу ернинг ўзида, шу билан бирга, маҳалла идорасининг ўзидан кўплаб муаммоларни ҳал қилиш мумкин. Ҳужжатда 2025 йил 1 мартдан "Янги Ўзбекистон" массивларини барпо этиш учун янги ҳудудлар урбанизация талаблари асосида танланади. Ерни кўп қаватли уйни қуриш учун ижарага олган юридик шахслар ер солигини тўлашдан озоқ қилинади.

Шунингдек, жорий йилда қад ростлайдиган "Янги Ўзбекистон" массивларида қурилаётган турар жойлар иссиқлик ва совутиш тизимлари марказлаштирилган ҳолда бўлади. Бу янгича ноу-хау бўлади. Давлат раҳбарининг топшириғига кўра, индивидуал иситтигичлардан воз кечиб марказлаштирилган иситиш ва совутиш тизимининг жаҳон амалиётини қўллаш орқали жорий этилади.

Фармонга кўра, қурилиш ташкилотлари учун яхши янгилик бор. Эндиликда 2025 йил 1 майдан аукцион савдоларида ер участкасида кўп қаватли уй-жой қуриш учун ижарага олган юридик шахслар ижарага олган пайтдан бошлаб 12 ой давомда ушбу ер участкаси бўйича ер солигини тўлашдан озоқ қилинади.

– 2025 йил 1 мартдан эътиборан "Янги Ўзбекистон" массивлари учун жой танлашда урбанизация талабларига мувофиқ қўйилган мезонлар асосида биринчиси туман, шаҳар марказига яқинлиги, аҳолини уй-жойга бўлган талаби, "Янги Ўзбекистон" барпо этиладиган ҳудудда муҳандислик инфратузилмаси мавжуд экани ёки яқинлиги, аҳоли пунктида 70 минг кишидан кам бўлмаган аҳолининг истиқомат қилиши инobatга олинади, – деди Иқтисодиёт ва молия вазирлиги бўлим бошлиғи Олим Ёқубов. – "Янги Ўзбекистон" массивларида эндиликда қурилишда умумий қурилиш майдони 100 минг квадратдан кам бўлмаслиги ва барпо этиладиган уйлarning 7 қаватдан кам бўлмаслиги белгиланмоқда. Шу билан бирга айтиш керакки, эндиликда "Янги Ўзбекистон" массивларини барпо этишда фақатгина юридик шахслар электрон аукционда ижарага олишда иштирок этади. Шу билан бирга, қурилиш ташкилотларига "Янги Ўзбекистон" массивларидаги кўп қаватли уйлари барпо этишда бир йил давомда ер солиғидан озоқ этиш имтиёзи берилмоқда.

Шу билан бирга аҳоли манфаатларини таъминлаш мақсадида келиб чиққан ҳолда оферта талабларини бажармаган аукцион савдоси голибидан ер участкаси белгиланган тартибда қайтариб олинади ва тақоран аукцион савдоларига қўйилади. Кўп қаватли уй-жой белгиланган муддатда фойдаланишга топширилмаси имтиёз-



дан фойдаланилган давр учун ер солиғи 2 баробар миқдорда ундирилади.

Қурилиш мураккаб соҳа қатор талабларга жавоб бериши маълум. Базийда тартибларга амал қилмаслик, муддатларнинг катталиги боис уй-жойларнинг эгаларига топширилиши кечикади. Бу эса аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлади. Фармон билан мазкур масалаларга ҳам ҳуқуқий ечим топилиди. 2025 йил 1 майдан қурилишни бошлаб фойдаланишга рухсат беришга қадар бўлган жараёнлар тўлиқ онлайн режимида "Шаффоф қурилиш" режими асосида амалга оширилади.

– Ушбу фармон билан халқаро хоржий инвестициясига Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида облигациялар чиқарилишига рухсат этилди, – деди бош мутахассис Шоҳрух Ганиев. – Бундан Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси ҳузурда махсус фаолиятни йўлга қўйиш белгиланди. Мазкур ташкилот тижорат банклари томонидан берилган ипотека

кредитларини таъминот сифатида олиб қолади ва уни ипотека облигацияларини чиқаришда фойдаланади. Ипотека банкларида ажратилган ипотека кредитларини ўз балансида қўяди ва унинг ҳисоб-китобини юритади. Шунингдек, ипотека облигациялари эмиссиясини амалга оширади.

Фармонда белгиланганидек, қурилиш тугалланган кўп қаватли уй-жойдан фойдаланишга рухсатнома беришда фақат Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилинган инспекцияси, Давлат ёнгин назорати органларидан ҳулоса олинади. Назорат инспекциясидан рўйхатдан ўтган ва у томонидан назорат қилинадиган кўп қаватли уй-жойларни фойдаланишга рухсатнома беришдан олдин фундаментал текширувдан ўтказиш бекор қилинади.

Ҳулоса қилиб айтганда, мазкур фармон кўп қаватли уй-жойлар қурилишини рағбатлантиришга аҳолини уй-жой олишга бўлган имкониятини оширишга замин яратди.

## Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигида

### Давра суҳбати ўтказилди

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигида Жаҳон банки офиси вакиллари ҳамда вазирлик мутахассислари иштирокида "Ўзбекистон учун 2050 йилга қадар барқарор иситиш ва совутиш ечимларини таъминлаш мақсадида давра суҳбати ўтказилди.

Унда Жаҳон банки офиси вакиллари таъминоти тизимини ўрганиш натижалари бўйича тадқиқотлар ҳамда Ўзбекистон шароитида иситиш тизимларининг барқарорлигини таъминлаш бўйича дастурлари муҳомақа қилинди. Жаҳон банкининг "уч компонентли" барқарор иссиқлик тизими дастури, яъни турар жой ва жамоат биноларида иситишни декорбонизация қилиш бўйича дастлабки стратегияси ишлаб чиқилган бўлиб, кун тартибига кўра мазкур стратегия мазмун-моҳияти ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Жумладан, кўп қаватли уйлار

ва биноларга уланган мавжуд марказий иситиш тизимларини модернизация ва декорбонизация қилиш орқали истеъмолчиларга барқарор иссиқлик энергиясини етказиб бериш, марказий иситиш тизимига иқтисодий ёки техник жиҳатдан улашиш самарасиз бўлган биноларни индивидуал иситиш технологиялари орқали иссиқлик энергияси билан таъминлаш, биноларни модернизация қилиш ва энергия самардорлигини ошириш (изоляция, дезаларни алмаштириш) орқали иссиқликка бўлган эҳтиёжни қисқартириш орқали энергоресурслар сарфини камайтириш бўйича тақлифлар ўртага ташланди.

## Кўрик-танловнинг вилоят босқичлари

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан кўп қаватли уйлари бошқариш тизимини ривожлантириш, илгор тажрибаларни оммалаштириш ва самарали фаолият юритаётган ташкилотларни рағбатлантириш мақсадида илк бор ташкил этилган "Энг яхши бошқарув органи" Республика кўрик-танловининг ҳозирда вилоят босқичлари бўлиб ўтмоқда.



Хусусан, танловнинг 2-босқичи Фарғона вилоятида бўлиб ўтди. Дастлабки босқичда 70 га яқин бошқарув органи иштирок этган бўлса, улардан 10 дан ортиғи сараланган ҳолда вилоят босқичида иштирок этишди.

Шунингдек, кўрик-танловнинг Андижон вилояти босқичи "Янги Андижон" массивида ташкил этилди. Вилоятда 20 дан ортиқ бошқарув органи фаолият юритаётган бўлса,

биринчи босқичда 14 та БСК ҳужжат топширган. Улар орасидан энг юқори натижага эришган 6 та БСК кейинги босқичга йўл олди.

Танлов давомда жамоалар турли баҳолаш мезонлари бўйича беллашиб, ўз тажрибаси ва инновация ёндашувларини намойиш этмоқда. Ҳалилар аниқ мезонлар асосида баҳолаб, кейинги босқичга йўлланма олади.

## ёхуд қурилиш саноатининг келажак истиқболлари

Адхам ЭГАМБЕРДИЕВ,  
"O'zbekiston bunyodkori" муҳбири.

**UzBuild 2025 халқаро қурилиш саноати кўргазмаси бу йил бир вақтга майдонда – "Ўзэкспомарказ" МКК ва "CAEx Uzbekistan" мажмуасида ташкил этилди. Айтиш мумкинки, юқори ташкилотчилик, дунё даражасидаги қизиқиш тадбирга ўзгача файз бағишлади.**

"Uzbekistan Construction and Interior Week" ягона бренди остидаги Ўзбекистон Қурилиш-интерьер ҳафталиги доирасида бир қатор тадбирлар ва кўргазмалар ҳам ташкил этилди. "Лойиҳадан – шинамиликка" тўлиқ жараён" шиори остида ўтган ҳафталик қурилиш ва интерьер кўргазмалари: UzBuild, BuildTech, WoodTech & MebelExpo Uzbekistan ҳамда ICCI қурилиш анжуманини бирлаштирди.

26 йил давомда Марказий Осиё қурилиш саноатининг халқаро кўргазмаси мамлакат ялпи ички маҳсулотининг салмоқли улушини – 2024 йилда 6 фоиздан кўпроғини ташкил этадиган ички иқтисодиётнинг жадал ривожланаётган тармоғи бўлган қурилишга инновациялар ва инвестицияларни жалб қилмоқда. Замонавий қурилиш техникаси ва материаллардан фойдаланиш қурилиш ишларини олиб боришда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан жорий этилган Янги Тошкент ва "Янги Ўзбекистон" кенг қўламли дастурларини амалга оширишда муҳим роль ўйнайди.

UzBuild кўргазмаси ҳар йили мутахассислар, ишлаб чиқарувчилар ва етказиб бериувчилар учун энг сўнгги трендлар билан танишиш учун қулай майдон. Иштирокчилар учун ўз маҳсулотлари ва технологияларини илгари суришда самарали восита бўлиб келмоқда. Экспозициянинг туб мақсади ва UzBuild концепцияси – қурилиш жараёнини гоьдан тортиб то лойиҳагача тақдим қилиш, ўзаро ҳамкорлик муҳитини мустаҳкамлашдан иборат. Бу йилги кўргазма доирасида маҳаллий компаниялар иштирокини ҳам юқори баҳолаш мумкин. Шу билан бирга, уларнинг экспорт салоҳияти ҳам йилдан йилга ошиб бормоқда. Ана шундай компаниялардан бири – "ALCOPON STANDART TRADE" МЧЖ. Улар алюминий композициялар ишлаб чиқариш бўйича юртимизнинг етакчи компанияси ҳисобланади.

– Кўргазма стратегик режаларимизни амалга ошириш йўлида муҳим туртки бўлди, – деди компания раҳбари Азизбек Усмонов. – Фаолиятимизни 2003 йилда Андижон шаҳрида бошлаганимиз. Бутунгача катта натижалар-



га эришдик. Маҳсулотларимиз МДХ давлатлари орасида ҳам бозориги. Энг қувонarli томони, компаниямиз Нью-Йорк шаҳрига ҳам экспорт қилишни бошлади. Америкада ҳам вакиллик идорамиз бор. Худо хоҳласа, марралар катта. Юртимизни танитишда давом этамиз.

Бу каби ютуқлар ҳақида эшитар эканмиз, беихтиёр фахр туйғусини ҳис қилсан киши. Айнан қурилиш саноатини самарали тарғиб қилиш бўйича ижодий ёндашуви тўғрисида 2007 йилда кўргазма "Бутунжаҳон кўргазма саноати ассоциацияси (UFI) томонидан тасдиқланган тадбирлар" сертификатини қўлга киритган. Ушбу сертификат билан кўргазма ўтказилаётган мамлакатнинг миллий иқтисодиётини ривожлантиришга хисса қўшган ва халқаро бизнес ҳамжамияти томонидан тан олинган тадбирлар тасдиқланган.

Нафақат Ўзбекистондаги, балки бутун Марказий Осиёдаги қурилиш саноатида иштирокчилар қўлами ва сони бўйича биринчи рақамли кўргазма тадбири сифатида UzBuild етакчи ускуналар ва қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчилари ва етказиб бериувчиларини илгари суришда самарали восита бўлиб келмоқда. УзBuild 2025да дунёнинг қуйидаги 21 мамлакатлари: Австрия, БАА, Беларусь Республикаси, Буюк Британия, Германия, Греция, Грузия, Испания, Италия, Корея Республикаси, Озарбайжон, Польша, Россия Федерацияси, Таиланд, Туркия, Туркменистон, Хитой, Эрон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозғоғистондан 400 дан ортиқ компания ва брендлар иштирок этди.

Кўргазма иштирокчилари ва таширф буюрувчилари сонининг ортиб бораётгани уни бир вақтнинг ўзида иккита майдонда – "Ўзэкспомарказ" МКК ва CAEx Uzbekistanда ўтказиш заруриятини келтириб чиқарди. Ҳафталик экспозициялари 22 та давлатдан 516 та

компания ва брендларни бирлаштирди. Иштирокчилар ва таширф буюрувчилариларга қулайлик яратиш учун экспозиция аниқ сегментланган режага мувофиқ жойлаштирилди, бу эса тадбирда ишларни самарали ташкил этиш имконини беради.

CAEx Uzbekistan ўз майдонда UzBuild кўргазмасининг қуйидаги бўлиқларини қабул қилди:

– "Element Boya"нинг асосий мақсади ўсишда давом этиб, қуқунли бўёқ соҳасида дунё бўйлаб таниқли брендга айланиш, – деди компаниянинг ўзбекистонлик вакили Жаҳона Хамиджонова. – "Element Boya" 2004 йилда Истанбулда ташкил этилган. Бизнинг барча ходимларимиз қуқунли бўёқ соҳасида кенг тажрибага эга бўлиб, сифатли маҳсулотни ўз вақтида ва бозордаги рақобатбардош нархда тақдим этиш фалсафасига асосланиб иш олиб боради. "Element Boya" 2007 йилда Истанбул Тузлада ишлаб чиқаришни бошлаган. Замонавий технологиялар асосидаги мос ишлаб чиқариш заводи ҳисобланади. Шунингдек, яхши жиҳозланган сифатни назорат қилиш ва Ар-Ге лабораторияларига эга. Element Boya соҳанинг етакчи етказиб бериувчиларидан бўлиб, қурилиш ва бино соҳаси, автомобилсозлик, электроника, кимё, қувурлар, идишлар ва умумий санаят каби кўплаб соҳалар учун керакли қуқунли бўёқлар ишлаб чиқаради. Бундан ташқари, инновацион муҳандисларимиз, ёрдамчи ходимларимиз ва тадқиқот ходимларимиз билан ҳар ўзгаришда маҳсулот ва ишлаб чиқариш тизимларимиз ривожланиб ва ўсиб бормоқда.

Шунингдек, CAEx Uzbekistan да қурилиш ҳафталигининг бизнес дастури доирасида ўтказилган ICCI 2025 халқаро қурилиш саноати анжумани тажриба алмашиш ва қурилиш соҳасидаги илгор ечимларни муҳомақа қилиш учун эксперт майдонини тақдим этди. 55 йилдан ортиқ иш тажрибасига эга – Ўзбекистон, Туркия, МДХ мамлакатлари ва Африкада лойиҳаларни амалга

ошираётган KOC Construction қурилиш компанияси яна бир бор кўргазманинг бош хомийси бўлди.

Жорий йилда хоржий иштирокчиларнинг улуши 75 фоизни ташкил этди. Хоржий мамлакатлар орасида иштирокчилар сони бўйича Top-5 мамлакат: Хитой – 132 та компания, Туркия – 30 та компания, Германия – 19 та компания, Буюк Британия – 15 та иштирокчи, Қозғоғистон – 10 та компания. Буюк Британия, Германия, Туркия миллий павильонлари, Россия Федерацияси қуйидаги ҳудудларнинг жамоавий стендлари: Татаристон Республикаси, Москва, Псков, Липецк, Капуга областлари, Красноярск ўлкаси, Урал ССР, Бошқирдистон Республикаси, шунингдек, Испания Қурилиш ва тоғ-кон ускуналари уюшмаси (ANMOPUS)нинг жамоавий стенди намойиш этилди.

Ўзбекистонлик компаниялар кўргазма экспонентлари умумий сонининг тўртдан бир қисмини ташкил этди. Булар маҳаллий компаниялар ва брендлардир – ҳам йирик таниқли ишлаб чиқарувчилар ва экспортчилар: Ўзметкомбинат, Akfa Building Materials (Ytong), Techno Commerce, Тошкент металлургия заводи, Arton, Basalt Wool, UzKabel, Русский Лес, Tiancheng Stone, Imperial Granite, Durable Stone, Twin Stone шулар жумласидан.

Кўргазма бизнес дастурининг асосий воқеаси – ICCI 2025 Қурилиш саноати 6-Халқаро анжумани CAEx Uzbekistan да бўлиб ўтди. Анжуман қурилиш саноатининг асосий тенденциялари ва ривожланиш истиқболларини муҳомақа қилиш учун давлат тузилмалари, ихтисослашган уюшмалар ва бирлашмаган вакиллари, қурилиш бозорининг етакчи экспертларини бирлаштирди. Бу йилги анжуманнинг асосий мавзуси: "Янги Ўзбекистоннинг қурилиш салоҳияти". Муҳомақаларда 10 мамлакатдан 40 дан ортиқ маърузачи ва 650 нафар делегат иштирок этди. Спикерлар мамлакатимиз қурилиш саноати ва меъморий услуби ҳақида ҳам алоҳида тўхтади. "Zaha Hadid Architects" лойиҳа фирмаси вакили Евгения Позигун Янги Тошкент ҳудудида қурилиш режалаштирилаётган Алишер Навоий мажмуаси лойиҳаси билан таништирди. Лойиҳа оригиналлиги ва ўзига хослиги билан ажралиб тургани мутахассислар томонидан таъкидланди.

Кўргазма йирик корпорациялардан тортиб, қурилишда ўз инновацияларини тақдим этишга интилаётган стартапларгача бўлган барча даражадаги иштирокчилар учун кенг имкониятлар бераётгани билан ҳам ахамиятли. Ташкилотчилар Ўзбекистон ва қўшни мамлакатлар бозори сифатли, инновацион ечимлар билан бойиб боришига умид билдирмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизни дунё бозорига фаоллаштириш йўлида бу каби кўргазмалар аҳамиятли. Ўйлаймики, кўргазма кейинги фаолиятини оригиналлиги ва янги ечимлари билан барчани хайрон қолдиришда давом этади.



**Шухрат ЗАКИРОВ**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг Халқаро ҳамкорлик, Жаҳон савдо ташкилоти билан ишлаш, ДХШ ва инвестиция дастурларини шакллантириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

## Қурилиш соҳасида халқаро ҳамкорлик



**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳаси мамлакатнинг иқтисодий ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, халқаро ҳамкорлик, соҳага замонавий технологиялар ва инвестицияларни жалб қилиш, самарали бошқарув механизмларини татбиқ этиш масалалари ҳам долзарб ҳисобланади.**

Вазирлиқнинг Халқаро ҳамкорлик, Жаҳон савдо ташкилоти билан ишлаш, ДХШ ва инвестиция дастурларини шакллантириш бошқармаси соҳада халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, инвестицион жозибадорликни ошириш мақсадида ташкил қилинган. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида бир қатор хорижий давлатларнинг ҳукумат ташкилотлари, хорижий компаниялар ҳамда халқаро молия институтлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида ҳам кўпballар ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Россия Федерациясининг Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Корея Республикаси марказий иссиқлик таъминоти корпорацияси, Саудия Арабистонининг "Saudi Tabreed" компанияси каби йирик хорижий компаниялар ҳамда Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки каби халқаро молия институтлари билан ҳамкорликнинг янги йўналишлари ва имкониятлари муҳокама қилинмоқда.

Хорижий хизмат сафарлари давлат органлари, жумладан, вазирликлар учун муҳим аҳамиятга эга. Ушбу сафарлар халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш, тажриба алмашиш ва глобал муаммоларни ҳал қилишда иштирақ этиш учун зарур. Бошқарма фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири ҳам шу – соҳа мутахассисларини хорижий хизмат сафарларига юборишни ташкиллаштиришдир. 2024 йилда 30 дан ортиқ вазирлик марказий аппарати ходимлари ҳамда қўйи ташкилотлар раҳбариятининг хорижий хизмат сафарларини ташкил этиш ишлари амалга оширилди. Хизмат сафарларининг асосий қисми малака ошириш, хориж тажрибасини ўрганиш, семинарларда иштирақ этиш ва ҳамкорлик ўрнатилган мақсадида амалга оширилган бўлса, 10 дан ортиқ хизмат сафари ишчи гуруҳлар таркибиде топириқлар ижросини ўрганиш, таъминлаш ҳамда мониторинг ўтказиш мақсадида амалга оширилди.

Шунингдек, бошқарма томонидан халқаро муносабатлар доирасида халқаро рейтинглар билан ишлаш ҳамда Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишга доир соҳа фаолияти билан боғлиқ ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, мазкур йўналишларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 19 июндаги "Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш тизимини тақомиллаштириш ҳамда ушбу соҳада парламент назоратини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-91-сонли фармонида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 2 июндаги "Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон сав-

до ташкилотига аъзо бўлиш жараёнини жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-181-сонли қарорига мувофиқ қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Инвестицияларни жалб қилиш ва инвестиция жозибадорлигини ошириш давлат иқтисодиётининг ривожланиши, янги иш ўринларини яратиш ва технологияларнинг трансфери учун муҳим омилдир. Вазирликлар бу жараёнда муҳим роль ўйнайди, чунки улар давлат сибсати, иқтисодий стратегиялар ва инвестиция муҳитини шакллантиришда иштирақ этадилар. Шу ўринда қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасига инвестицияларни жалб қилиш, нафақат янги объектларни барпо этиш, балки мавжуд инфратузилмани тақомиллаштириш ва аҳолининг ижтимоий ҳаётини яхшилаш учун ҳам зарур ҳисобланади. Бошқарма ўз фаолияти давомида инвестицион жозибадорликни ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 11 февралдаги "Халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари иштирақидеги лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга ошириш механизмларини тақомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-51-сонли қарори билан тасдиқланган Низом талабларига ҳамда Инвестиция дастурларига мувофиқ халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик доирасида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, лойиҳалар бўйича белгиланган ўлаштириш кўрсаткичларини таъминлаш, шунингдек, лойиҳаларни амалга ошириш жараёнари мониторингини юритиб келмоқда.

Таъкидлаш жоизки, йилдан йилга соҳага жалб этилаётган инвестиция салмоғи, натижадорлиги ошиб бормоқда. Биргина рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, Инвестиция дастурига мувофиқ, 2022 йилда 47,4 миллион доллар, 2023 йилда 60,5 миллион доллар, 2024 йилда 150,5 миллион доллар миқдоридеги маблағлар ўлаштирилган бўлса, 2025 йилда 196,1 миллион АҚШ доллари миқдоридеги маблағлар ўлаштирилиши режалаштирилган. Хусусан, иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантиришга қаратилган Жаҳон банки иштирақидеги "Анджон, Чирчиқ, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимини реконструкция қилиш ва энергия самарадорлигини ошириш" лойиҳаси амалга оширилмоқда. Лойиҳанинг умумий қиймати 140 миллион долларни ташкил этган ҳолда, 425 мВт қувватли қозонхоналарни реконструкция ва модернизация қилиш, 99 километр иссиқлик



тармоқларини алмаштириш, 1295 та индивидуал иссиқлик пунктларини (ИИП) ўрнатиш, 1029 та кўп қаватли уйларнинг ички иситиш тизимини тиклаш ишларини амалга ошириш кўзда тутилган. Бугунги кунга қадар 96,9 миллион доллар ўлаштирилган бўлиб, лойиҳани 2025 йил якунига қадар тугатиш чоралари кўрилмоқда.

Бундан ташқари, иссиқболли лойиҳаларни амалга ошириш бўйича вазирлик томонидан Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Корея Эқсимбанки каби бир қатор йирик халқаро молия институтлари билан музокаралар олиб борилапти. Республикаимизнинг Анджон, Навоий, Қашқадарё, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида ҳам халқаро молия институтлари иштирақидеги иссиқлик таъминоти тизимини яхшилаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан чоралар кўрилмоқда.

Инвестицион жозибадорликни оширишнинг яна бир муҳим йўналиши – давлат хусусий шериклик асосида лойиҳаларни амалга татбиқ этиш ҳисобланади. Ушбу механизм қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида инвестицияларни жалб қилиш, инфратузилмани ривожлантириш ва самарадорликни ошириш учун муҳим воситадир. Шу мақсадда бошқарма томонидан мазкур йўналишда ҳам қатор ишлар амалга ошириляпти. Жумладан, "Ўзбекистон - 2030" стратегиясига биноан, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларига хусусий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 30 августдаги "Ўзбекистон Республикасида 2024 - 2030 йилларда давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-308-сонли қарори билан тасдиқланган дастурга Қурилиш ва уй-жой коммунал вазирлиги масъул этиб белгиланган. Дастурга умумий қиймати 697,0 миллион АҚШ доллари миқдоридеги 4 та йирик лойиҳа киритилган. Мазкур лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ваколатли давлат органлари ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда самарали ишлар ташкил этилган.

Белгиланган тадбирларни хориж тажрибаси асосида ташкил этиш мақсадида Осиё тараққиёт банкнинг лойиҳаларни амалга ошириш бўйича маслаҳатчи ҳамда хусусий инвестор сифатида соҳада илғор тажрибага эга хориж компаниялари жалб этилди.

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасига инвестицияларни жалб қилиш – бу комплекс жараён бўлиб, у давлат, хусусий сектор ва жамоатчилик ўртасидаги ҳамкорликни талаб этади. Мақсадли селклар эътибор қаратиш, давлат-хусусий ҳамкорлик, молиявий имтиёзлар, инвестиция муҳитини яхшилаш, маҳаллий жамоалар билан ҳамкорлик, кадрларни тайёрлаш ва иқтисодий ривожланиш стратегиясини яратиш ва бундан фойдаланиш орқали давлат иқтисодиётининг ривожланишига катта ҳисса қўшиш мумкин.

## “ТОЗА МАКОН” электрон биллинг tizimining афзалликлари

Сўнгги йилларда чикиндиларни бошқариш соҳасига давлатимиз томонидан юқори даражада аҳамият қаратилиб, бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Хусусан, аҳолини рози қилиш, абонентларга ҳосил бўлаётган чикиндиларни ўз вақтида олиб чиқиб кетиш бўйича сифатли хизмат кўрсатиш борасида тизимли ишлар олиб бориляпти.



Жумладан, чикиндиларни бошқариш соҳасида алоҳида давлат идораси – Чикиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш агентлиги ташкил этилган бўлиб, санитар тозалаш корхоналари томонидан аҳоли ва юридик шахсларга кўрсатиладиган хизматларнинг белгиланган тартиб ҳамда меъёрларга асосан амалга оширилишини назорат қилиб бориш Агентлиқнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбарининг 149-сонли Фармонида ҳам чикиндиларни бошқариш соҳасида бир қатор вазифалар белгилаб берилган. Фармонда санитар тозалаш корхоналарининг асосий самарадорлик кўрсаткичлари ҳам кўрсатилган. Яъни, аҳоли ва юридик абонентларга кўрсатилган хизматлар КПИ мезонлари асосида баҳолаб борилиб, хизмат сифатини яхшилашга доир тегишли кўрсаткичлар берилган.

Хозирда санитар тозалаш хизмати сифати айрим давлат идоралари томонидан ҳам ўрганилмоқда. Бироқ мазкур ўрганишлар турлича талқин қилинляпти. Жараёнларда хизмат сифатини ўрганишнинг мавжуд меъёрларига амал қилинмаяпти. Хусусан, аввало, маҳаллаларда сўровномалар ўтказиш, белгиланган тартибда хизмат кўрсатилмаган ҳолларда "маҳалла еттилиги" ҳамда истеъмолчилар иштирақидеги далолатномалар тузиш белгиланган. Афсуски, айрим ҳолларда хизмат кўрсатиш сифатига ҳудудларни тулик ўрганмаслик ва тегишли далолатномаларни расмийлаштириш натижасида баҳо берилмаётганлиги кўпballар муҳокама қилинмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бу борада Агентлик томонидан республика ишчи гуруҳи тузилиб, ҳудудларда доимий равишда хизмат сифати қатъий тарзда ўрганилмоқда. Ўрганишлар натижасида кўрсатилмаган хизматлар аниқланган тақдирда абонентлар фойдасига қайта ҳисоб-китоб қилинмоқда. Шунингдек, ўз вазифасига совуққонлик билан қараб, тегишли хизмат кўрсатмаган санитар тозалаш

корхоналари билан тузилган битимлар бекор қилинмоқда.

Масалан, агентлик томонидан берилган маълумотга қўра, Навоий вилоятида аҳолига қоникарсиз хизмат кўрсатган "Бережливост" санитар тозалаш корхонаси билан тузилган битим бекор қилиниб, бириктирилган ҳудудлар ҳамда махсус техникалар қайтариб олинди. Шу билан бирга, айни пайтда Тошкент вилоятида ҳам абонентларга тегишли даражада сифатли хизмат кўрсатмаган санитар тозалаш корхонаси билан тузилган битим шартлари бекор қилиниб, ҳудудни бошқа масъулларга бириктириш кўриб чиқилмоқда.

Маълумот учун, бугунги кунда аҳолига кўрсатилаётган хизмат сифатини ошириш мақсадида Чикиндиларни бошқариш агентлиги томонидан бир қатор режалар ишлар олиб боришмоқда. Хусусан, жисмоний ва юридик шахсларга хизмат кўрсатиш бўйича кенг қамровли мутлақо янги – "Тоза макон" электрон биллинг тизими ишга туширилди. Республика бўйича соҳада фаолият юритаётган корхоналарнинг чикинди ташвиш-мулжалланган техникалари ягона "Тоза макон" ГПС электрон тизимига улашиб, онлайн кузатув тизими билан таъминланди ва аҳолига мониторинг тизимига бириктирилди.

Бугунги кунда тизимда 3 мингдан ортиқ махсус техника мавжуд бўлиб, онлайн мониторинг ишлари синхрон тарихида Жиззах вилоятида ишга туширилди. Республика бўйича 9 мингдан ортиқ маҳалла ҳамда 3 мингта яқин кўп қаватли уйлар учун қурилган чикинди йиғиш шохобчаларининг аниқ географик жойлашуви ва чегараси бўйича кадастр маълумотини шакллантириш ишлари якунланмоқда. Натижада махсус техникаларнинг ҳудудларда маҳалла ва чикинди йиғиш майдончаларига кириш-чиқиш вақтлари аниқ ҳисобланиб, қаттиқ маиший чикиндиларнинг ўз вақтида олиб чиқиб кетилиши таъминланади ва аҳолига фақатгина кўрсатилган хизматлар учун тўловни амалга ошириш имкони яратилди.

Ўз мухбиримиз.

## “Zamnaviy realtor xizmati” МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибиде ўтказиладиган электрон-онлайн очик аукцион савдога таклиф этади!**

Электрон-онлайн аукцион савдога "NOVIY DOM TASHKENT" МЧЖнинг 2025 йил 25 февралдаги 37-сонли буюртманомасига асосан қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда:  
Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Боғиқалон кўчаси, 27-уй манзилида жойлашган, умумий фойдаланиш майдони – 3 000,0 квадрат метр, умумий қурилиш майдони – 238,3 квадрат метр, яшаш майдони – 153,14 квадрат метр, умумий фойдали майдони – 299,2 квадрат метрдан иборат бўлиб, кадастр рақамидан 10:02:02:01:01:6342 бўлган бино-иншоот. **Бошланғич баҳоси** – 3 980 000 000 сўм.  
Аукцион савдо 2025 йил 3 апрель кунини online-mulk.uz платформасида

бўлиб ўтади. **Аризаларни рўйхатдан ўтказиш мuddати:** 2025 йил 2 апрель кунини соат 18:00 гача.  
Юқоридеги кўчмас мулк 2025 йил 3 апрель кунини сотилмаган тақдирда, такрорий электрон-онлайн савдолари 2025 йил 3 мартда 15 кун оралғида такрорий савдолари ўтказилишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати бир иш кунини олдин соат 18:00 гача.  
Савдо қолибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 (йигирма) банк иш кунини ичиде сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш юклатилади.  
**Талабгорлар юқоридеги мулкнинг 15 фоизидан кам бўлмаган миқ-**

**дорда закатал пулни "Zamnaviy realtor xizmati" МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига электрон-онлайн аукцион савдога рўйхатдан ўтиб туланади:** 2020 8000 9057 4042 7002 ХАТБ "DAVR BANK" Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 311 041 441.  
Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 488-моддасига асосан, Уй-жой олди-сотди шартномаси нотарий тартибда тасдиқланиши ва давлат рўйхатдан ўтказилиши лозим.  
**Савдо ташкилотчиси жойлашган манзил:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Хамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.  
**Телефон:** 71-237-23-82.

## “Respublika mulk markazi” МЧЖ

**МАЪЛУМ ҚИЛАДИ!**

"O'zbekiston bunyodkori" газетасининг 2025 йил 25 февралдаги 14 (867)-сониде "MUZIMPEX-MEAT PRODUCTS" МЧЖ суд тугатиш бошқарувчисининг 2025 йил 20 февралдаги 20.02.25/1-сонли буюртманомасига асосан ишлаб чиқариш ускуналарини савдога қўйилган бўлиб аукцион савдо 2025 йил 28 март кунини online-mulk.uz платформасида бўлиб ўтади деган жумлани ўзгартириб аукцион савдо

2025 йил 28 март кунини online-auksion.uz платформасида бўлиб ўтади, деб ўқилсин.  
**Маълумотлар учун манзили:** Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани, Хамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.  
**Тел.:** 71-237-23-86.

001805 рақамли гувоҳнома.

## ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

**2025 йил февраль ойининг сўнгги санаси ва март ойининг 1-3 саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган**

Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти иқтисодий ислохотлар бўлими бош мутахассиси **Отабек Холиёров**,  
"O'zbekiston bunyodkori" Нашриёт уйи МЧЖ мухбири **Абдусамий Ҳақбердиев**,  
"Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти" ДМ техникни **Асрбек Ботиров**,  
"Ташпираогор" АЖ гуруҳ раҳбари **Альфия Валева**, бўлим бошлиғи **Камила Газиёва**,  
"Ўзоғирсанотлоийҳа" АЖ ОВ муҳандислари **Зухра Зоҳидова**, **Қамолдин Ҳайдаров**, ООПТР етакчи муҳандиси **Жамшид Ўрманов**,  
"O'zshaharozlik LPTI" ДМ Шаҳарсозлик хўжатларини ишлаб чиқиш бошқармаси 1-устаҳонаси архитектори **Фазилдин Абдувалиев**,  
"Qo'qon Loyiha Qurtilish" МЧЖ лойиҳа бош муҳандиси **Отабек Яхъев**,  
Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бош мутахассиси **Бахытбай Торешов**,  
Анджон вилояти Жалақудуқ тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Анваржон Аҳмедов**,  
Қашқадарё вилояти Қарши тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими уй-жой коммунал хўжалиги бўйича мутахассиси **Ақром Худайназаров**,

Сирдарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бош мутахассиси **Иқромжон Қобилов**,  
Бухоро вилояти Бухоро шаҳридаги "Бухоро Полизол Сервис" БСК МЧЖ бош директори **Хўршид Раҳатов**,  
Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги "Сардорбек, Камронбек" БСК МЧЖ бош директори **Ўткир Норбобоев**,  
Тошкент вилояти Нурафшон шаҳридаги "Тўйетпа юксак сервис" БСК МЧЖ бош директори **Иброҳим Масаидов**,  
Хоразм вилояти Хива шаҳридаги "Хива қалта минар ПБК" МЧЖ бош директори **Раъно Шомуратова**,  
Тошкент шаҳар Сертели туманидаги "Yong managers" БСК МЧЖ бош директори **Музаффар Қуролов**, Юнусобод туманидаги "Life City" БСК МЧЖ бош директори **Шухрат Алиев**, Янгиҳаёт туманидаги "Патима хаёт БК" МЧЖ бош директори **Гулбахор Маҳкамова**,  
Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани Шалолла маҳалласи, 24-уй бевоСИта жойлар мулкдорлари томонидан бошқариладиган уй бошқарувчиси **Мохин Сергей Сергеевич**ларни таваллуд кунини чин дилдан муборакбод этамиз.

**Уларга сийҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!**



